ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 5

ТОШКЕНТ-2022

№5 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2022-5

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави давлат университети

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент, Азербайджон давлат иқтисодиёт университети

Ғоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор, Телави давлат университети

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор Қарши давлат университети

Маҳкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент, Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор, Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор, Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор, Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори, Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори, Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc) Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Aziza Aminova
O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGIDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNING O'RNI VA ROLI…….4

2. Акбар Бабабеков
ЁМ ҚИШЛОҒИ ТАРИХИ ВА АҲОЛИСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАВСИФИ……...9

3. Акбар Даминов
"БОБУРНОМА"ДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР……...19

4. Бахтиёр Юлдашев
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ……24

5. Дилшод Комолов
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУСТАҚИЛ СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ (1991-2000 йиллар мисолида)……34

6. Алишер Исоқбоев
ИСМОИЛБЕК ҒАСПРИНСКИЙНИНГ "ИСТИЛОИ ТУРКИСТОН" РИСОЛАСИ ҲАҚИДА……49

7. Rashid Xolmurodov
O'LKAMIZ TARIXININI O'RGANISHDA ME'MORCHILIK VA SAYYOHLIKNING AHAMIYATI……56

8. Сабоҳат Абдураимова
ЧИРОҚЧИ БЕКЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ХЎЖАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ИҚТИСОДИЙ-МАИШИЙ ҲАЁТИ……62

9. Feruza Utayeva
BUXORODA TO'QIMACHILIK SANOATINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI……...72

10. Шаҳло Ҳусанова
МИНГТЕПА ЭТНОГРАФИЯСИ ҲАҚИДАГИ ТАРИХИЙ РОМАН (М. Эгамбердиевнинг "Сариқ аждар ҳамласи" тарихий романи ҳақида)……...79

11. Дилором Чориева
КУТУБХОНАЛАР ТАРИХИДАН: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР (1991-2016 йиллар)……...87

12. Rustam Shukurov
BUXORO AMIRLIGIDA ELCHILIK ISHLARI TARIXINING TARIXSHUNOSLIK MASALALARI……..98

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

Акбар Давурбаевич Бабабеков,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Ўзбекистон Миллий университети,
akbar.bababekov@mail.ru

ЁМ ҚИШЛОҒИ ТАРИХИ ВА АҲОЛИСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАВСИФИ

For citation: Akbar D.Bababekov, HISTORY OF YAM VILLAGE AND DESCRIPTION OF POPULATION FORMATION. Look to the past. 2022, vol. 5, issue 5, pp.9-18

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6615764

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф қадимдан Ўрта Осиёнинг иқтисодиёт, деҳқончилик ва чорвачилик, тоғ маъданларини, биринчи навбатда, темир қазиб олиш ривожланган йирик маданий воҳаларидан бири – Уструшона давлати таркибига кирган Зомин тумани Ём қишлоғи тарихий-этнографик аспектини ёритган. Шунингдек, муаллиф томонидан қишлоқ аҳолисининг этник таркиби ва тарихи, этимологияси каби масалалар Республика Марказий Давлат архиви фондларидаги ҳужжатлар, дала этнографик тадқиқотлари ҳамда илмий адабиётлар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Уструшона, Ём, этногенез, этник таркиб, этимология, Зомин сув, Хўжамушкентсой, Ём арик, Жарарик, Мирзачўл, Зомин, уруғ-қабила, хослик, қарлуқ.

Акбар Давурбаевич Бабабеков,
доктор философии по истории (PhD)
Национальный университет Узбекистана,
akbar.bababekov@mail.ru

ИСТОРИЯ СЕЛА ЯМ И ОПИСАНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ НАСЕЛЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор описывает историко-этнографические аспекты села Ям Зааминского района, входящего в состав Уструшнского государства, одного из крупнейших культурных оазисов Средней Азии, в котором издавна развито хозяйство, земледелие и животноводство, добыча полезных ископаемых, прежде всего железа. Автор также освещает такие вопросы, как этнический состав и история, этимология сельского населения на основе документов фондов Центрального государственного архива республики, полевых этнографических исследований и научной литературы.

Ключевые слова: Уструшана, Ям, этногенез, этнический состав, этимология, Зааминсу, Ходжамушкенсай, Ямарик, Джарарик, Мирзачул, Заамин, племя, хаслик, карлук.

Akbar D. Bababekov,
Doctor of Philosophy in History (PhD).
National University of Uzbekistan,
akbar.bababekov@mail.ru

HISTORY OF YAM VILLAGE AND DESCRIPTION OF POPULATION FORMATION

ABSTRACT

In this article, the author describes the historical and ethnographic aspects of the village of Yam, Zaamin district, which is part of the Ustrushno state, one of the largest cultural oases in Central Asia, which has long developed economy, agriculture and animal husbandry, mining, primarily iron. The author also covers such issues as the ethnic composition and history, the etymology of the rural population based on documents from the funds of the Central State Archive of the Republic, field ethnographic research and scientific literature.

Index Terms: Ustrushana, Yam, ethnogenesis, ethnic composition, etymology, Zaaminsu, Khodjamushkensay, Yamarik, Djararik, Mirzachul, Zaamin, plemya, khaslik, karluk.

---

1. Долзарблиги:

Республиканинг алоҳида туман ва қишлоқларининг тарихи ва этнологиясини халқ меросининг алоҳида объекти сифатида ўрганиш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, “эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз...”. Бу эса ўз навбатида Янги Ўзбекистонга муносиб бўлган ёш авлодларда ватанпарварлик руҳини кучайтириш, уларни баркамол, маърифатли инсон сифатида тарбиялашдек улуғвор вазифани амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақола тарихий-қиёсий таҳлил, анкета сўровнома, статистик-қиёсий солиштириш, шунингдек, фанлараро ёндашув, тавсифлаш ва қиёслаш каби методларга асосланган. Ўзбекистон этнологиясида турли тарихий-этнографик минтақаларга хос бўлган этноҳудудий хусусиятлар, алоҳида туман, қишлоқлар тарихи ва этнографиясини ўрганиш масаласида бир қатор тадқиқотлар ўтказилган бўлса-да, уларнинг сони жуда камдир. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институти “Этнология ва антропология” маркази ходимлари томонидан нашр этилган “Миндон ва миндонликлар”, Ўзбекистон Миллий университети профессори Т.У.Салимов қаламига мансуб “Нурота ва нуроталиклар”, Ф. Толипов муаллифлигидаги “Мозийга бўйлашган маскан. Гараша қишлоғи ҳақида тарихий этнографик рисола” каби монографияларни ушбу тадқиқотлар сирасига киритиш мумкин.

Ём қишлоғининг жойлашган ўрни ва аҳолисининг этник таркиби.

Жиззах вилояти, Зомин тумани, Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғини (2021 йил 1-октябрь ҳолатига кўра ўзида 5 та қишлоқ (Ём, Чапарашли, Жарқишлоқ, Сўфимозор, Урол қишлоқлари)ни жамлаган “Истиқлол ҚФЙ” 24.04.2000 йилда ташкил топган. Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғини Тожикистон Республикаси, Зомин тумани Туркман ҚФЙ, Оби ҳаёт ҚФЙ, Даштобод шаҳри билан чегардош бўлиб, умумий ер майдони 6860 кв.км., 1348 та ҳовли-хонадонларда истиқомат қилувчи 1765 та оиладан таркиб топган) маркази ҳисобланган. Ём қишлоғи қадим 800 йиллик тарихга эга масканлардан биридир. Ём қишлоғи туман маркази Зомин шаҳри ва Даштобод шаҳридан деярли бир хил масофа – 18 км узоқликда жойлашган”[1]. Ём қишлоғига шаҳар типидаги аҳоли яшаш манзили сифатидаги мақом 2009 йилда берилган. Қишлоқнинг умумий майдони 60 гектар атрофида бўлиб, 621 та хўжалик, 761 та оила ҳамда жами аҳолиси 3428 нафар кишини ташкил этади[2].

Географик жиҳатдан қишлоқ рельефи жанубий ва жанубий-ғарбий томон аста-секин кўтарилиб боради ва тоғ этагидаги Зомисув ҳосил қилган текисликларга, тоғ этакларига,

сўнгра тоғ тизмаларига бориб тақалади[3,9]. Тоғ этакларидаги адирларга бориб тақалувчи Ём қишлоғи ҳудуди адирлик ва даштлик ерлардан иборат. Шимол ва шимоли-ғарб томондан қишлоқ шўр тупроқли Мирзачўл текислиги билан ўралган. Қишлоқнинг лёсс қатламли, жанубдан шимолга 200 м. дан 400 м. га пасайиб борувчи текислик Мирзачўл эгаллайди. Бу текис ер сатхи рельефини шимоли-ғарб йўналиши бўйича жойлашган ботиқлар бузиб туради. Бу ботиқлардан энг катталари Сардоба пастлигидир.

Зоминлик географ олим Суюн Қораевнинг аниқлашича, Ём қишлоғи суғорма майдонларида агроирригация қатламининг бир йиллик ўсиши 1,3 мм.га 150-200 йил давомида эса 20-30 см.га тўғри келади[4,25]. Ём қишлоғи ер сатхи агроирригация қатлами турли даражада ва тупроғининг тузилиши ҳам турличадир. Ҳудуд иқлими чўл ва даштликлар иқлими хусусиятига эга бўлиб, кескин контентал – ёзи жуда иссиқ, қуруқ, қиши совуқ келади. Намгарчилик қиш ва баҳордаги қор, ёмғир сувлари ҳисобига бўлади. Ҳавонинг йиллик ўртача температураси +14, +15 градусга, максимум температураси +46 +47 даражага ва энг паст температураси –28, –30 даражага даражага етади. Бир йиллик ўртача ёғин миқдори 400-500 м.га тенг. Қишлоқда илиқ ва иссиқ кунлар 210-218 кун ҳисобланиб, ҳароратнинг ўртача йиғиндиси 4,0 - 4,6 - 5 минг градусга етади. Вегетация даври 223-232 кунгача етади[5, 593].

Ём қишлоғининг шарқ томонида Мирзачўлга туташиб кетган текислик қисмида, қадимдан лалми ва суғорма деҳқончилик хўжалигига мослашган. Қишлоқнинг асосий сув манбалари бўлган Зоминсой ва Хўжамушкентсой аксарият ҳолларда жанубдан-шимолга томон оқадиган кам сувли тоғ сойларидан тортилган Ёмариқ ва Жарариқдан иборат бўлган[6,19-20]. Барча тоғ дарёлари каби Зоминсой ва Хўжамушкентсой дарёларидаги сув миқдори мавсумий ўзгарувчан бўлиб, тоғлардаги қор заҳираси ва ёмғирларга боғлиқдир. Баҳорги март-май ойларидаги сел-совурларда кўп миқдорда лойқа ва қумларни оқизиб келган дарё аҳоли деҳқончилик хўжалиги зарур бўлган минераллар билан ҳам таъминлаган. Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Зомин дарё суви Мирзачўл сарҳадларида жойлашган қадимги ва илк ўрта асрларда гуллаб-яшнаган Қоратепа (ҳозирги Даштобод) шаҳригача етиб борган[7, 229].

Ёмариқ ариғи Хўжамушкент қишлоғидан Ёмга қараб оқиб келган шу қишлоқ ариқнинг охирги манзили бўлган. Шунинг учун одамлар бу ариқ номини Ёмариқ деб номлаганлар.

Жарариқ ариғи эса Зомин тоғларидан бошланиб Ём қишлоғи ҳудудидаги жарликдан оқиб ўтганлиги учун маҳаллий аҳоли уни шундай ном деб атаганлиги ахборотчилар томонидан таъкидланди. Жарариқ яна қишлоқнинг бошқа бир маҳалласи Чапарашли бўйлаб ҳам оқиб ўтган.

ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб, Зомин сув омбори қурилиши ва Хўжамушкентсой сувига бўлган қўшни қишлоқлардаги талабнинг кескин ортиб кетиши натижасида сув тақчиллиги кучайди. Натижада Ём қишлоғини сув билан таъминловчи иккита ариқларда сув келиши тўхтади ҳамда лалми деҳқончиликка (буғдой, арпа, узумчилик) кўпроқ урғу берила бошланди[1]. Шунингдек, ушбу ҳудудларнинг катта қисмидан чорва яйловлари сифатида ҳам фойдаланилиб келинган.

Ём этимологияси. Ём қишлоғи номининг келиб чиқиши борасида кўплаб фаразлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ва Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти томонидан А.Мадвалиев таҳрири остида нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да “Ём” сўзи “Ём, жом (мўғулча - йўл) ёки мўғул-туркийча – чопарлар оти ва шундай отлар алмаштириладиган жой, яъни чопарлар, йўловчилар қўнадиган ва от алмаштирадиган жой, бекат маъноси”[8, 34]ни англатувчи атама тарзида келтирилган.

Ём қишлоғининг ҳаваскор тарихчиси Ўриш Мажидовнинг “Мен билган Ём ва ёмликлар” китобида Абдулазиз Назирқулов томонидан берилган “Ём –Ям - Жам деган номлар тарихда жуда кўп учраши, бу ном мўғиллар истилоси, Чингизхон даври билан боғлиқлиги ҳамда мўғиллар ўз арсеналини Ём дея атаган”[9, 12] лиги хусусидаги маълумоти, шунингдек ушбу муаллифнинг яна бир 2004 йилда чоп этилган “Умр йўллари” деб номланувчи китобида эсланишича, “Қишлоғимизга Зоминсой ва Хўжамушкентсойдан оқар сув келган бўлиб, унинг

табиий жойлашуви ҳам икки тарафдан келаётган сув йўналишига қулай, маълум чуқурликда бўлганидан, бу жойни жомга қиёс қилиб қишлоқ Жом (Ём) деб аталгандир” деган фаразлар бор.

Ёмлик ўқитувчи Ниёзматов Воҳиджоннинг “Ўлкамиз тарихини ўрганайлик” йўналиши бўйича олиб борган ишлари ҳақидаги рисоласида ёзишича, академик Б.Я.Владимирцев (1884-1931 йй.) Ём қишлоғининг номланиши классик мўғул ёзма тилида, шунингдек баъзи бир ҳозирги мўғул тили шеваларида Ём сўзи “Жам”, “Зам”, “Ям” шаклларида учраши ва “йўл” маъносини англатиши хусусидаги билдирган фикрини келтириб ўтганлиги диққатга сазовордир[10, 3].

Оға Бургутли қаламига мансуб “Бу кўҳна Зомин” китобида Ём қишлоғига тўхталиб, “XIII асрда мўғуллар тўхтаб ўтиш жойларини Ём – бекат деб атаганлар, бу ер хабарчилар, чопарлар тўхтаб ўтадиган манзил жой вазифасини бажарган”[11, 63] дея ёзадилар. Бу фикрни Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Абдулазиз Назирқулов ҳам ўз эсдаликларида тасдиқлайди[12, 15].

Яна бир қатор муаллифлар сирасида В.А.Духовний ҳам “Мирзачўлни забт этиш” китобида “Ём қишлоғидан, Туркистон тизма тоғлари этагидан, почта ташийдиган карвон йўли ўтган”[13, 12] деб ёзади. Шунингдек, луғатларда Ём сўзи [форсча – коса, қадаҳ] катта, улкан хум маъносида ҳам қўлланишини қайд этиш зарурдир[14, 34]. Шундай қилиб, “Ём” сўзи XIII асрдан буён географик жой номи сифатида ишлатилиб келинаётгани ҳамда Шарқий Европадан то Ширқий Осиёнинг Тинч океанигача бўлган катта ҳудудда 37 та мана шундай ёмлар – бекат-манзиллар фаолият юритгани кўплаб манбаларда қайд этилган.

Демак, Ём этимологияси тўпланган илмий адабиёт ва дала маълумотлари таҳлилига кўра, XIII асрда ташкил этилган доим отлар шай туриб, бир қанча киши хизмат қилган жойни англатувчи “қўрғон-бекат” маъносини англатади.

Этник тарихи ва таркиби. Тарихдан маълумки, Ём қишлоғи қадимда Уструшона вилояти, Зомин рустақи ҳудудида жойлашган. Уструшона вилояти таркибига Мовараннаҳрнинг жанубий районларидан то Зарафшон тизма тоғларигача бўлган ҳудудлар (Зарафшон дарёсининг юқори оқимларини ҳам) ўз ичига олган[15, 21]. Вилоят ҳудудида бир қанча шаҳарлар, қишлоқлар ва қўрғон-ҳовлилар мавжуд бўлган. Якубийнинг асарида Уструшона вилоятида 400 га яқин мустаҳкам қўрғон-ҳовлилар мавжуд бўлганлиги таъкидланади[16, 146-294]. Уструшонанинг пойтахт шаҳри Бунжикетдан ташқари яна бошқа шаҳарлар ҳам тилга олинади. Шуларнинг ичида энг йириклари Зомин ва Жиззах шаҳри ҳисобланган[17, 20-21]. Бу шаҳарлар Буюк Ипак йўлида жойлашган бўлганлигидан ўз даврининг бирмунча тараққий этган шаҳарларидан ҳисобланган. Номлари келтирилган шаҳарлардан ташқари вилоятда яна бир қанча қишлоқлар, қўрғон-ҳовлилар бўлиб, уларнинг ҳар бири катта рустақнинг маркази ҳисобланган[18, 119, 194].

Юқорида Якубийнинг асарида тилга олинган 400 га яқин мустаҳкам қўрғон-ҳовлилардан бири бизнинг фикримизча Ём қўрғони бўлиши ҳам мумкин. Чунки, Ём қишлоғи ҳудудида сақланиб келаётган тўртбурчак шаклдаги, ҳар тўрт бурчагида тўпхоналари бўлган ва атрофи бир метрдан ошиғроқ қалинликдаги тупроқдан барпо этилган 5-6 метр баландликдаги девор, қўрғон марказида ичи пишиқ ғиштдан тикланган бўйи 20 метр, чуқурлиги 8 метр келадиган ховуз, бўйи тахминан 300 метр, эни 75 метрни ташкил қиладиган қўрғон қолдиғи ҳозирга қадар сақланиб келмоқда[2] ҳамда ушбу қўрғон катта чуқурликдаги кенг ариқлар билан ўралган бўлиб, душман ўтиб кетмаслиги учун доимо сувга тўлдириб қўйилган[19, 3]. Албатта, юқорида келтирилган асослар келажакда археолог олимлар томонидан ўрганилса, фикримизча Ём қўрғонининг аниқ санаси ва фаолият вазифалари янада аниқлашади ва қишлоқнинг қадимийлигини исботлайди ҳамда умид қиламизки, бу борадаги фикримиз тўғри эканлигини асослайди.

Ём қишлоғи аҳолисининг этногенези ва этник тарихи нисбатан кам ўрганилган бўлиб, бу ҳудудда яшаган аҳолининг этник таркиби ва ижтимоий-маданий турмуш тарзи ҳақида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмаган. Шундай бўлса-да, Ём қишлоғининг этник тарихига оид маълумотларни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”[20, 63], Шарафиддин Али

Яздийнинг “Зафарнома” асарида (Шарафиддин Али Яздий – XVяшаган таниқли тарихчи, йилномачи, “Зафарнома” асари билан дунёга машҳур. “Мадинат ул-рижол” (“Мардлар шаҳри”) деган тушунчани илк бор ишлатган. Соҳибқирон Амир Темур тарихини ёзган Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” китобида ҳам бир ўринда Ём сўзи, бошқа бир ўринда эса Жом атамаси ишлатилади), Марказий Давлат архиви хужжатларида, XX аср бошларида воҳада бўлган россиялик сайёҳларнинг асарлари, хусусан, ҳарбий тўплам ва этнографик экспедициялардаги маълумотларда ҳамда XX аср охирлари – XXI аср бошларида яратилган асарлар, хусусан, “Қадимий Зомин” (муаллифлар жамоаси), Ўриш Мажидовнинг “Мен билган Ём ва ёмликлар”, “Умр йўллари” асарларида, Баҳодир Розиқовнинг “Ём фарзанди монологи ёхуд Ём қасидаси” шеърий тўпламида, Оға Бургутли (Саттор Қорабоев) ва Грицинанинг “Бу кўҳна Зомин” китобида, Ҳ. Ҳайдаровнинг “Жиззах вилояти тарихи” туркумида, Қозоқбой Йўлдошев ва Босим Тўйчибоевларнинг “Зомин сўзлиги” китобида, Баҳодир Мамарозиқ ўғлининг “Исохон ота насабномаси”, “Ҳожилар Ём юлдузлари” рисолалари, Шавкат Назирқуловнинг “Ўн икки раҳбар, ўн икки тақдир” китоби, 3-мактаб ўқитувчилари фаолиятига бағишланган “Эҳтиром” рисоласи, Абдуғофир домла Тошқуловнинг фольклор бўйича рисоласи, Норинисо Қосимованинг “Йиғилмаган чимилдиқ”, “Болалик бекати”, сингари насрий тўплам ҳикоялари ва бошқаларнинг тадқиқотларида учратишимиз мумкин. Булардан ташқари, шу қишлоқнинг 3-сонли ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси Воҳид Ниёзматов билан биргаликда қишлоқ аҳолисидан тўпланган дала маълумотлари ҳам бу соҳага оид тасаввурларимизни бойитади.

Таъкидлаш жоизки, Ём каби алоҳида қишлоқлар аҳолисининг шаклланиши тарихи этнографик жиҳатдан мураккаб ва шу пайтгача махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бизнинг мақсадимиз, асосан, этнографик маълумотларга таянган ҳолда, Зомин туманининг бир қишлоғи – Ём қишлоғи аҳолисининг этник таркиби ва шаклланиш тарихи ҳамда этнографиясини ўрганишдан иборат.

Тарихий адабиётларда ўзбек халқининг шаклланишидаги асосий жараёнлар Турон икки дарё оралиғидаги воҳаларда кечганлиги исботланган. Айнан шу ерда кўп асрлар мобайнида туркий қабилаларнинг ўтроқ ва кўчманчи ҳаёти ўзаро ва бошқа аҳоли гуруҳлари билан чамбарчас алоқалари натижасида Ўрта Осиё халқларининг умумий маданияти юзага келган.

Манбалардан маълумки, туркий қабилаларнинг Турон ҳудудига кириб келиши милоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг биринчи ярмида бошланиб, милоддан аввалги VI асрдан жадал тус олди.

Кўчманчиларнинг маданий воҳаларда ўтроқлашуви таъсирида бу яқинлашув туркийзабон ва форсийзабон аҳолининг қўшилиб кетишига қадар ўсиб борди. Уларнинг сони ва сиёсий мавқеига боғлиқ равишда, баъзан эса табиий-иқлим шароитлари таъсирида ёки бу туманда маҳаллий аҳоли ёки туркий тил устунликка эга бўлди. Ушбу жараён, табиийки, шунчаки ассимилиация ёки тил алмашинуви эмасди, балки икки маданият синтези натижасида икки халқ шаклланиб, улар ҳар бирининг маданияти бошқасига яқин бўлса-да, тўлиқ ўхшаш, деб ҳам бўлмасди[21, 22].

Ўзбек халқининг дастлабки ўзаги IX-X асрларда шаклланади, лекин унинг шаклланишида муҳим тарихий давр сифатида Мовароуннаҳрнинг қорахоний(қарлуқ)лар давлати таркибига кирган пайтини кўрсатиш мумкин (XI-XII асрлар). Айнан ўша пайтда икки дарё оралиғига кўчманчи қабилаларнинг кўчиб келиши ва уларнинг воҳаларда, тоғ ва тоғолди ҳудудларда ўтроқлашуви тобора кучаяди. Кейинги юз йилликларда воҳаларда ўтроқлашган қабилалар зироатчиликка ўта бошлайди, уруғ-қабила номлари аста-секин ғойиб бўлади. Шунингдек, моддий ва маънавий маданиятнинг бошқа ўзига хос қирралари ҳам унутилади. Тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган қабилалардан фарқли ўлароқ, кўчманчи қабилалар асрлар давомида ўзининг уруғ-қабила номини ва асосан, чорвачиликдан иборат хўжалик юритиш шаклини, шунингдек, кўчманчиларга хос кўплаб этник хусусиятларни асрлар давомида сақлаб қолишди. Бу ҳолат, айниқса Дашти Қипчоқнинг кўчманчи ўзбек қабилалари гуруҳига хос саналади. Ушбу қабилаларнинг кўчиб ўтиши, маълумки, бутун XVI аср мобайнида давом этган[22, 80].

Элшунос олим Т.У.Салимовнинг ёзишича, XX асрнинг 80-90 йилларида улар томонидан ўтказилган этнографик тадқиқотлар натижасига кўра, Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги аҳоли учун муайян қонуният ҳам бор. Масалан, республиканинг жанубий вилоятлари учун хос бўлган аҳолининг ўтроқ, эрта ва кечки қабилаларга ажралиши ва уларни кўп асрлик ижтимоий-сиёсий тарих давомида мослашуви Бойсун, Шаҳрисабзда бўлгани каби, мамлакатимизнинг турли жойлари бўлган Зомин, Фориш ва Нурота туманлари учун ҳам бир хилдир. Шу билан бирга, мазкур ҳудудлардаги аҳолининг этник таркибига муайян фарқланишлар ҳам мавжуд. Этник жараёнларнинг ўзига хослиги Зомин туманида уларни ўзбеклар ва қирғизлар мисолида тадқиқ қилиш имконини беради. Чунки бу ерда яшовчи тожиклар кам сонли аҳолини ташкил қилади[23, 110].

Биз борада 2021 йилнинг апрель, май ва ноябрь ойларида Ём қишлоғида ўтказилган этнографик экспедициялар, йиғилган материаллар ва муайян даражадаги адабий манбалар юқорида билдирилган фикрлар асосли эканлигини кўрсатди.

Зомин туманида аксарият қишлоқларида (Ём қишлоғида ҳам) учрайдиган уруғ-қабила бўлинишининг йўқлиги “намангонлик”, “самарқандлик” ва “ўратепалик” ва бошқалар каби ҳудудий мансублик билан тўлдирилади. Ём қишлоғи ҳам бу масалада истисно эмас. Ём қишлоғида 80 хўжаликдан ортиқроқ бир гуруҳ аҳоли ўзини “хослик” деб атайди. Маълумот берувчиларнинг сўзларига қараганда, бу одамлар XIX асрда Қўқон хони Худоёрхон томонидан тайинланган бек билан бирга Бекободнинг Хос қишлоғидан кўчиб келганлар.

Ёмлик Ўриш Мажидовнинг бу борадаги маълумотлари ҳам қизиқарли: “Самандар Ҳожи мингбоши улуғ бобокалонимиз бўлиб, уруғимиз тарихини шу муҳтарам бобомизнинг номисиз тасаввур этиш қийин. Самандар Ҳожининг оталари Муҳаммад Тоҳирдир. Қўқон хони амри билан Бекобод мавзеидан кўчирма қилинган биринчиларидан бўлганлар. “Бектўпи” номи шу киши номидан бошланган авлодлар шаънига қўйилган. Тоҳирбек ва Бойирбеклар Туркистон томонлардан келган катта чорвадорлар эдилар, улар Бекободдан “Ҳазрати Мулло”га суяниб, паноҳ топганлар. Муҳаммад Тоҳир Қўқон хонлигининг ишончли вакили сифатида Ём қишлоғига беклик қилган. Қўқон хонлиги амри билан 40 йиллик кўчирма бўлиб келган”[9, 14-15].

Демак, Зомин тумани Ём қишлоғининг ўтроқ аҳолиси турли тарихий даврларда кўчиб келган уруғ ва қавмларнинг муштарак этник бирлигини ташкил қилса-да, ўзининг келиб чиқиши ва лаҳжаси, урф-одатлари ва айрим миллий анъаналарини сақлаб қолганлиги билан Зомин туманидаги бошқа қишлоқлардан ажралиб турган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Жиззах вилояти Зомин туманининг бошқа тоғ ва тоғолди қишлоқ ҳудудларига қараганда Ём қишлоқ аҳолиси жойлашуви ва этник гуруҳларининг ўзига хослиги билан ҳам нисбатан фарқ қилган.

Ём қишлоғи Зомин туманидаги қадимги қишлоқлардан бири бўлиб, Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши натижасида 1886 йил 12 июндан “Туркистон ўлкасини бошқариш Низоми” га мувофиқ Ём қишлоғи шу номдаги волост ва унинг маъмурий маркази сифатида 1917 йилга қадар Самарқанд вилояти, Жиззах уезди, Зомин участкаси таркибида бўлган[24, 313]. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоят ва уездларга бўлиб бошқариш тизими 1927 йил 1-чорагигача давом этди[25, 7]. 1927 йилда ўтказилган районлаштиришдан сўнг Самарқанд вилояти - округ деб номланиб, унинг таркибидаги 10 та райондан бири сифатида Зомин райони[25, 17] таркибига Ём қишлоғи маъмурий бирлик сифатида киритилди[26, 1].

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг 21-фонди, 17-рўйхатида XX аср бошларидаги статистик маълумотлар Жиззах уезди волостлари, хусусан Ём волостида аҳолининг жойлашуви, хўжаликлар ва аҳоли сони, боғ ва томорқа экинининг ер майдони, чорва сони тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Бу маълумотлар тўлиқ олинмаган бўлиши ҳам мумкин. Чунки ўша даврларда аҳоли сони бирор маротаба ҳам рўйхатга олинмаган эди. Россиялик ҳарбийларнинг ўзлари қишлоқларда бўлиб, маълумот тўплашган.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивидаги 1904 йилга тегишли маълумотномага кўра, мазкур даврда Жиззах уезди Зомин, Қоратош, Работ, Ём, Ўзбек, Янгиқўрғон, Сангзор, Ўсмат-

Қатортол, Чашмаоб, Хочамукур, Саврук, Накрут сингари 12 та волостдан таркиб топган бўлиб, Ём волости (жами 15090 киши, шундан 7990 эркак, 7100 нафар аёл) энг аҳолиси кўп Зомин (17320 киши), Работ (17240 киши), Қоратош (15990 киши) волостларидан сўнг 4 ўринда қайд этилган[27, 268]. Архив маълумотларнинг гувоҳлик беришича, XX аср бошларида Ём волостида рус миллатига мансуб (1 нафар эркак, 1 нафар аёл), сартлар (860 нафар эркак, 750 нафар аёл жами 1610 нафар), ўзбеклар (4129 нафар эркак, 6349 нафар аёл жами 13478 нафар) ташкил этган[27, 280].

XX аср 1903-1905 йиллардаги архив статистик маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, тадқиқ этилаётган ҳудудда асосан кўпсонли миллатлар ўзбек, сартлар ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Ём волостида қирғизлар қайд этилмаган[27, 266, 275, 280].

Қизиқ томони ёмлик маҳаллий тарихчи, шоир ва бошқа қишлоқ тарихи билан қизиқувчи кишиларнинг рисолалари ёхуд кекса нуронийлар хотираларида ва 2021 йилда олиб борилган дала тадқиқотлари давомида бу Ём волостида яшаган сартлар ҳақида маълумотлар учрамади. Аммо, сартлар XX асрнинг бошларида Жиззах уездининг Бағдон участкасига қарашли Бағдон, Синтоб волостларида (жами 13 094 киши, шундан 7162 та эркак, 5932 та аёл), Янгиқўрғон участкасининг Янгиқўрғон волостида (жами 303 киши, шундан 202 таси эркак, 101 таси аёл), Зомин участкасига қарашли Ём волостида (жами 1 610 киши, шундан 860 таси эркак, 750 таси аёл) қайд этилганлиги бу борада ҳали тадқиқ этилиши лозим бўлган масалалар бисёрлигини кўрсатади[27, 275-280].

1905-1906 йилларга тегишли архив хужжатларида Ём қишлоғи икки қисмга бўлиб қайд этилган. Яъни қишлоқнинг маркази (ҳозирда чойхона, сартарошхона, нонвойхона, хотира мемориали майдони, автотураргоҳ) нуроний кексалар ёдида бўлган бозор ҳудуди Ём қарлуқ (бозор) қишлоғи сифатида статистик рўйхатга олинган. Ушбу қишлоқда 125 хўжалик, жами аҳолиси 959 нафар (516 нафар эркак, 443 нафар аёл), шунингдек, унга ёндош Ём хослик қишлоғида 107 хўжалик, жами аҳолиси 886 нафар (476 нафар эркак, 410 нафар эркак) қайд этилган[28, 21-22].

Ўтмишда икки ном билан статистик рўйхатдан ўтказилган Ём қишлоғи ҳозирда бирлашиб, ягона Ём қишлоғи дея номланади. Бизнинг фикримизча, ўтган бир асрдан зиёдроқ вақт давомидаги аҳоли сонининг ўсиши ва турар-жойларнинг кўпайиши ҳисобига қишлоқ яхлит ҳозирги кўринишига келган.

3. Тадқиқот натижалари:

Хусусан, ҳозирда Ём қишлоғида 621 хўжалик, 1631 нафар эркак, 1754 нафар аёлдан (жами 3385 нафар) иборат 761 та оила истиқомат қилмоқда. Бу маълумотдан кўриниб турибдики, орадан 116 йил ўтиб (1905-2021 йй) Ём қишлоғидаги хўжаликлар сони 389 тага (267,7%) кўпайганига гувоҳ бўлиш мумкин. Шу билан бирга XX аср бошларидан то ҳозирга кунга қадар қишлоқ аҳолисининг умумий сони ҳам (1905 йилда жами 1845 нафар киши бўлган бўлса, 2021 йилда 3385 нафар киши бўлган) 1540 кишига кўпайган. Албатта бу ерда ўтган давр мобайнида Ём қишлоғини чўлни ўзлаштириш ва бошқа сабаблар туфайли тарк этганлар сони ҳам қўшиб ҳисобга олинса, бу рақам янада ўсиши эҳтимолдан холи эмас.

Қишлоқнинг миллий таркиби ҳам ўзига хос тарзда ўзгариб борганлигини кузатиш мумкин. Масалан, архив хужжатларида қайд этилишича, 1905 йилда Ём қишлоғи (волост маркази)да рус православ мазҳабига мансуб оила 2 киши (волост бошқарувчиси пристав оиласи 1 нафар эркак, 1 нафар аёл) яшаган [27, 268] бўлса, ҳозирда Ём қишлоғининг миллий таркиби (2021 йил 1 октябрь ҳолатига кўра) ўзбеклар (4353 нафар), тожиклар (2 нафар), қирғиз (1 нафар), украин (1 нафар) ва татар (1 нафар)дан ташкил топган[29,1]. Ушбу маълумотдан кўриниб турибдики, ўтган вақт мобайнида қишлоққа турли (асосан иш, касб) сабаблар билан тожик, қирғиз, украин, татар каби миллат вакиллари ҳам кўчиб келиб, ўрнашиб, муқим қолиб кетишган.

Ём қишлоғининг этник таркибига назар солсак, қизиқарли маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Жумладан, қишлоқ тарихи билан шуғулланган ҳаваскор тарихчилар ва кекса ёшли ахборотчиларнинг хотирлашича, Ём қишлоғи аҳолиси азалдан қарлуқ, қипчоқ

қабилалари, ёмлик ва хослик уруғи вакиллари, шунингдек, сариқ тўпи, халпа тўпи, намангонлик, самарқандлик ва ўратепалик кабилардан ташкил топган[9, 16].

Ём қишлоғида бир неча ўнлаб қарлуқ хўжаликлари истиқомат қилади. Олиб борилган дала этнографик экспедицияси давомида кекса ёшли ахборотчилар Ёмда яшовчи қарлуқларни икки шаҳобча(аймоқ)га "Бўтан қарлуқ" ва "Холдор қарлуқ" кабиларга бўлинишини таъкидлашди. Ушбу илк қабила вакиллари бўлган қарлуқлар ҳақида 938 йилда номаълум муаллиф томонидан ёзилган география бўйича "Ҳудуд ул - олам" ("Оламнинг чегаралари") асарида ҳам сўз юритилади[30, 26].

"Қарлуқлар" дея ёзади Ўриш Мажидов, - "шу атрофдаги қадимийроқ муқим халқ бўлган, чунки улар сиғинадиган авлиёларнинг мозорлари шу атрофда: Чилламозор, Хўжамушкент, Хосликлар Бекободдаги Хостақачи қишлоғидан Қўқон хони Худоёрхон даврида кўчирма қилинган. Улар кичик ва катта хосликка бўлиниб, кичик хосликлар анча илгари келишган ва тўп-тўп[31, 82] бўлиб яшаганлар. Ота-боболаримиз, бобокалонларимиз Бекобод Хосидаги Ҳазрати имом мозорига, ундан ўтиб Туркистондаги Ҳожи Аҳмад Яссавий мозорига сиғиниб келганлар. Назр-ниёз, қурбонликлар олиб бориб зиёрат қилганлар. Бу урф-одатлар ва саъй-ҳаракатлар ҳали давом этмоқда"[9, 12].

Зомин тумани Ём қишлоғида, шунингдек қипчоқларнинг кам сонли вакиллари ҳам истиқомат қилади. Биздаги маълумотларга кўра, уларни фақатгина Ём қишлоғида учратиш мумкин. XX аср бошида Туркистонда қипчоқлар сони 127 000 минг нафар атрофида бўлиб, сон жиҳатидан улар туркий қавмлар орасида учинчи ҳисобланган. Мовароуннаҳр учун улар кечки қабила ҳисоблансада, тарихий манбаларда қипчоқлар ҳақида XI асрлардаёқ тилга олинган. Ўша манбаларга асосан, улар Ўрта Осиёдаги мусулмон хонликлари чегараларда яшаган[32, 104].

Ёмлик Баҳодир Мамарозиқ ўғлининг 2001 йилда нашр этилган "Исохон ота насабномаси" рисоласида ёзилишича, "Зомин музофотидаги деярли барча халқ лаҳжалари, физиологик юз кўриниши жиҳатидан ҳам, кийиниши, юриш-туриши, урф-одатлари, маданияти, маънавияти жиҳатидан ҳам ёмликлардан тубдан фарқ қилади. Ҳатто улар ёмликларни Сартлар (тожиклар) деб аташади. Аммо ёмликларнинг на талаффуз, на лаҳжасида тожикларга хослик йўқ"[33, 20]. Рисола муаллифининг қайд этишича, ёмликларнинг Сарём (ҳозирги Сайрам)ликлар ва ёмликлар ўртасида тил ва лаҳжада, кўринишда, урф-одат, меҳмондўстликликда, такаллуфда, эркакларга хос самимийлик, мустақил фикрлик, ўзига ишонч, ўзгага алоҳида меҳр, ҳазил – мутойибага бойликда, очиқ чеҳраликда, самимиятида жуда ўхшашлик мавжуд.

Ём қишлоғи аҳолисининг катта қисми қарлуқ лаҳжасидаги шевада гаплашиши олиб борилган этнографик тадқиқотлар натижасида тасдиқланди. Қарлуқ лаҳжаси, умуман ўзбек шеваларининг лаҳжалари хусусида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Академик Шоназар Шоабдураҳмонов ҳозирги ўзбек шеваларини уч гуруҳга бўлиб, шулардан бирини қарлуқ лаҳжаси деб номлайди[34, 40-404, 173]. Академик элшунос олим, К.Шониёзов "Қарлуқ лаҳжаси илк ўрта асрларда вужудга келган қадимий туркий тиллардан ҳисобланади", дея ёзади. Демак, "қарлуқ диалекти IX-X асрларда, ўзбек аждодларининг алоҳида элат бўлиб шаклланиш даври билан бир вақтда шаклланган десак, ҳақиқатга яқин бўлади. Қарлуқ диалекти асосан қарлуқ қабила уюшмасига кирган қабилалар (чиғил, халач, лабан ва бошқа) ташкил қилган. Элат тили бўлиб шаклланиш давомида қарлуқ тили таркибига уйғур, туркеш, арғу, тухси, ўғуз, қипчоқ ва бошқа қабилалар ва қабила лаҳжаларидан ўтган сўзлар ҳам оз бўлмаган. Қарлуқ диалектининг шаклланишида ва тараққий этилишида маҳаллий турғун аҳолининг (хусусан, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Чимкент вилояти) тили таъсири ҳам сезиларли даражада бўлган"[35, 72].

Шундай қилиб, икки минг йиллик тарихга эга Зомин тумани Ём қишлоғининг этник таркиби катта-кичик ўзбек қабила ва уруғлари ҳамда бошқа миллат вакилларидан ташкил топган бўлиб, бутун XX аср давомида ўзининг тил хусусиятини деярли йўқотмаганлигини қайд этиш лозим.

4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Зомин тумани Ём қишлоғи, Уструшонанинг таркибий қисми бўлиб, у қадим замоналардан буён ўрта аср Шарқ ва Ғарб муаллифларини ўзига жалб қилиб келган. Археологик манбаларга кўра, Зомин шаҳрининг ёши камида икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, узоқ ўтмиши – милоддан аввалги II-I асрларга бориб тақалса, унга яқин жойлашган Ём қишлоғи тарихи ҳам камида 800 йиллик ўтмишга эга қадим XIII асрларга бориб тақалади.

Уструшонанинг муҳим ўлкаси сифатида донг таратган Ём қишлоғи аҳолисининг зичлиги боис ҳамиша марказ Зомин билан рақобатда бўлиб келган.

Ўрта асрларда Уструшонанинг тараққий этган рустақлардан бири бўлган Зомин таркибидаги Ём қишлоғи ҳам қадимги савдо карвонлари чорраҳасида иқтисодий, маданий жиҳатдан гуллаб яшнади. Эътиборли томони бу ердан Сўғд билан Чоч, Еттисув, Хўжанд, Фарғона каби қадим ўлкаларни бирлаштирувчи “Буюк Ипак йўли” ва “Сим йўли” гавжум халқаро карвонлар йўли кесиб ўтган.

Ём қишлоғининг ўтроқ аҳолиси турли тарихий даврларда кўчиб келган уруғ ва қавмларнинг муштарак этник бирлигини ташкил қилсада, ўзининг келиб чиқиши, тили (лаҳжаси), урф-одатлари ва айрим миллий анъаналарини сақлаб қолган.

Ём қишлоғидаги ўзига хос иқтисодий фаолият ва хўжалик юритиш шакллари таркиб топиши табиий иқлим, географик муҳит, тарихий тажриба, диний ва маънавий қадриятлар ҳамда сиёсий тузумлар таъсири натижасининг маҳсулидир.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Field expedition records. Zaamin district, Yam village. Informant 3-school teacher Bobobekov Zarif Amankulovich. Born in 1973, 3rd grade music teacher. 2021.
2. Field expedition records. Zaamin district, Yam village. Informant Niyozmatov Vohid Nematovich. Born in 1981, 3rd school principal. 2021.
3. Dunin-Barkovskiy L.V. Physical and geographical bases of irrigation. - M. 1976. -P.9.
4. Alibekov L.A., Nishonov S.A. Natural conditions and resources of the Jizzakh region. - T.: "Uzbekistan". 1978. - P. 25.
5. National encyclopedia of Uzbekistan. Volume III. State Scientific Publishing House “National encyclopedia of Uzbekistan”. -T. 2003. - P. 593-594.
6. On pages 19 and 20 of the I-21 fund of the Central State Archive of Uzbekistan, list 1, volume 649, devoted to the statistics of 1905-1906, these canals are called Yamarik by a single name.
7. Nemtsova N.B., Dresvyanskaya G.Ya. Monuments of Zaamin and his environs // IMCU. Issue. 20. -T.: "Fan". 1986. -P. 221-229.
8. National Encyclopedia of Uzbekistan. Volume III. State Scientific Publishing House “National Encyclopedia of Uzbekistan”. –T. 2003. -P. 16.; www.ziyouz.com library. Annotated dictionary of the Uzbek language. More than 80,000 words and phrases. A. Edited by Madvaliev. State Scientific Publishing House "National Encyclopedia of Uzbekistan". - T - P. 34.
9. Majidov Orish. Yam and yams I know. - T. 2011.– P. 12.
10. Niyozmatov Voxid. Let’s study the history of our country. 2012. - P. 3.
11. Og’a Burgutli. This is the old Zaamin. 1999. - P. 63.
12. Majidov Orish. Ways of life. – T. 2004. - P. 15.
13. Dukhovny V.A. Conquest of the hungry steppe. - T.: Uzbekistan, 1980. - P. 12.
14. www.ziyouz.com library. Annotated dictionary of the Uzbek language. A. Edited by Madvaliev. - P. 34.
15. Istakhri, MIKK, T. I, - S. 26-27; Ibn Khawkal, BGA, - P. 20-21.
16. Al Yakubi, BGA, VII, MITT. T. 1. - M-L., 1939. - P. 146-294.
17. Ibn Havkal, BGA, II, - pp. 20-21.
18. Bartold V.V. On the history of irrigation of Turkestan // Works. T. III, - M., 1963. - S. 119; Shoniyozov K.Sh. The process of formation of the Uzbek people. –T.: Sharq, 2001. - P. 194.

19. Roziqov Bahodir. Yam songs or children's folk songs. - Guliston, 1993. - P. 3.
20. Boburnoma / Prepared for publication: P.Shamsiev, S. Mirzaev. – T.: Oz Fan, 1960. – P. 63.
21. Karmysheva B.Kh. Ethnographic group "Turk" as part of the Uzbeks // SE. 1960. No. 1. - Pp. 3-22.
22. Mukminova R.G. On the question of the resettlement of nomadic Uzbeks at the beginning of the 16th century. // IAN UzSSR. 1954. No. 1. - P. 80.
23. Ancient Zomin // Salimov T.U. Chapter IV of the monograph "Ancient Zaamin" "Some issues related to the formation of the population of Zaamin district (late XIX - XX centuries)". - T.: Muharrir Publishing House. 2018. - P. 110.
24. Central State Archive of Uzbekistan. 21st fund, 1st list. Volume 616, page 313.
25. Central State Archive of Uzbekistan. R 1619 - fond. List 11. Case 18. Pages 1, 7, 17.
26. Central State Archive of Uzbekistan. R 1619 - fond. List 11. Case 47. Sheet 1.
27. Central State Archive of Uzbekistan. 21 - fund. List 1. Volume 616. Pages 266, 268, 275, 280.
28. Central State Archive of Uzbekistan. 21 - fund. List 1. 649 volumes. Pages 21-22.
29. Passport of Istiqlol village assembly of Jizzakh region, Zaamin district, Republic of Uzbekistan. As of October 1, 2021. - P. 3.
30. Akhindzhanov S.M. Kypchaks in the history of medieval Kazakhstan. - Alma-Ata, 1990. - P. 26.
31. Turobov A.M. Samarkand ethnonyms and ethnonyms. - Samarkand, 2002. - P. 82.
32. [32] Abu-l-Fazl Baikhaki. History of Masud (1030-1041). Translation from Persian, introduction, commentary and appendices by A.K. Arends. – M.: 1969. - P. 104.
33. Bahodir is the son of Mamaroziq. Isoxon ota genealogy. "Istiqlol Ziyosi" 2001. - 20 p.
34. Shoabdurahmonov Sh. General information about Uzbek dialects and their study // Dictionary of Uzbek folk dialects. – T., 1971, -B. 397-404; Published by Reshetov and Shoabdurahmanov in 1978. In his book Uzbek dialectology (pages 40-41) one of the modern dialects is called Qarluq dialect. Shoabdurahmonov Sh. Uzbek dialectology. – T., 1978. - 173 p.
35. Shoniyozov K.Sh. The process of formation of the Uzbek people. – T.: Sharq, 2001. - P. 72.

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000